

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТАЛАШ БҮЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

Мазкур Оммавий ОфERTA (кейинги ўринларда “ОфERTA” деб юритилади) “**MY-INSURANCE**” Акциядорлик Жамияти томонидан жисмоний шахсларнинг чекланмаган доирасига фуқароларнинг “Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш” суғурта маҳсулоти бўйича ОфERTада кўрсатилган шартларда Суғурталовчининг расмий веб-сайти ёки интернет хизмати (автоматлаштирилган ахборот тизими) орқали суғурталаш шартномасини тузиш бўйича йўналтирилган таклифири.

Ушбу оферта суғурта полисини расмийлаштириш санасида амалда бўлган “Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш” маҳсулоти бўйича фуқароларнинг “Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш” мазкур офертада кўрсатилган шартлар асосида тартибга солинади. Ушбу оферта www.myinsurance.uz расмий веб сайтида мавжуд.

Ушбу ОфERTа шартларини қабул қилиш (акцепт) белгиланган суғурta мukофotini тўлаш билан амалга оширилади ва “Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш” суғурta маҳsулотini тузишга розилигини билдиради.

Суғурta қилдирувчи томонидан суғурta мukофotи тўланганлиги факти тасдиқлангач, унга “Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш” электрон суғурta полиси юборилади ва оферта тузилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ. Ушбу оферта шартларини сўzsiz қабул қилиш (акцепт қилиш) оммавий ОфERTа шартларини қабул қилиш ҳисобланади, бу қўйидагиларга:

- ушбу ОфERTа шартлари, шу жумладан унда кўrсатилган суғурta шартлари билан розилиги;
- суғурta полисини шакллантириш учун тақдим этилган шахсга доир маълумотларни қайta ишлаш, шу жумладан тизимлаштириш, сақлаш, фойдаланиш, тақдим этиш, тарқатиш, 5 (беш) йил мuddатга суғурta фаолиятини амалга ошириш мақсадида маълумотларни автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган усулда қайta ишлаш йўли билан узатиш, шунингдек, ички ҳужжат айланишини таъминлаш бўйича суғурta шартларига кўра ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш учун уларни учинчи шахсларга ўtkазишга розилигини ифодалайди.

Агар суғурta мukофotи тўлиқ тўланмаган бўлса, шунингдек, суғурталовчи томонидан акцептни бекор қилиш тўғрисидаги билдиришнома акцептга қадар ёки у билан бир вақтда олинган бўлса, акцепт олинмаган ҳисобланади.

“Суғурta шартномаси” ва “Суғурta полиси” атамалари бундан кейин матнда ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил маънога эга.

ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТЛАРИ АСОСИДА ТУЗИЛАДИГАН “БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТАЛАШ” СУҒУРТА МАҲСУЛОТИ БҮЙИЧА ФУҚАРОЛАРНИНГ “БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТАЛАШ” ШАРТНОМАСИННИНГ (СУҒУРТА ПОЛИСИННИНГ) АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1-БЎЛИМ. АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

1.1. Ушбу ОфERTада ишлатиладиган асосий атамалар.

Суғурталовчи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурta бозорини ривожлантириш агентлигининг лицензияси асосида фаолият юритувчи «**MY-INSURANCE**» АЖ СТ.

Суғурta қилдирувчи – Суғурталовчи билан суғурta полисини тузган ва у бўйича суғурta мukофotini тўлаган жисмоний шахс.

Суғурталанган шахс–Суғурталовчи ва Суғурta қилдирувчи ўrtасида тузилган суғурta полиси асосида мулкий манфаатлари ҳимояланган жисмоний шахс.

Суғурta ҳодисаси– тўсатдан, олдиндан англанмаган ва инсонларнинг ҳохишисиз юз берган, Суғурталанган шахснинг суғурta муддати мобайнида жароҳатланиши ёки ўlimiga олиб келган ҳамда кўчмас мулк ва/ёки транспорт воситасига заар келтируvчи баҳтсиз ҳодиса.

Суғурта полиси – суғурта мукофоти тўланганидан сўнг, Суғурталовчи билан Суғурта қилдирувчининг келишувига биноан ҳамда унинг суғурта суммаси доирасидаги жавобгарлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Суғурта суммаси – Суғурталовчи суғурта полиси бўйича Суғурта қилдирувчи олдидаги мажбуриятларини қоплаши учун пул суммасининг энг юқори ҳажми.

Суғурта мукофоти – Суғурта қилдирувчи суғурта полисига мувофиқ Суғурталовчи (унинг агенти)га тўлаши шарт бўлган суғурта учун ҳақ (бадал).

Суғурта товони – суғурта полисида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида кўрилган заарни тўлиқ ёки қисман қоплаш учун Суғурталовчи томонидан тўланадиган пул маблағлари суммаси.

Наф оловчи – ушбу оферта шартларига кўра, суғурта қилдирувчининг ўзи.

Ариза сўровнома – Суғурта қилдирувчининг расмий веб-сайтида ёки интернет хизматида суғурта шартномасини тузиш учун зарур бўлган шахсий маълумотларни киритиш орқали вақт режимида Суғурталовчи томонидан тўлдириладиган онлайн ариза шакли (электрон ариза). Электрон шаклда тўлдириладиган ариза шакли, агар у тўғри тўлдирилган бўлса, суғурта қилиш учун ёзма ариза тенгдир.

Оферта- бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиласидан шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф оферта ҳисобланади.

Суғурта ҳудуди – суғурта шартномасида (суғурта полисида) қўрсатилган суғурта амал қиласидан ҳудуд.

Суғурта жавобгарлиги вақти – туну кун.

Суғурта жавобгарлиги даври – бир йил. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича жавобгарлиги суғурта мукофоти тўланган санадан кейинги куннинг 00.00 соатидан эътиборан кучга киради.

Франшиза (шартсиз) – Суғурта қилдирувчи кўрган заарнинг Суғурталовчи томонидан ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича қопланмайдиган қисми.

2.БЎЛИМ. СУҒУРТА ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ

2.1. Суғурта объекти бўлиб, суғурта полисининг амал қилиши даврида баҳтсиз ҳодиса натижасида Суғурталанган шахснинг соғлиғи ва/ёки ҳаётига белгиланган қалтисликлар оқибатида қўрилган заарнинг Суғурталовчи томонидан тўлаб берилиши билан боғлиқ мулкий манфаатлари ҳисобланади.

2.2. Суғурта субъектлари бўлиб, Суғурталовчи ҳамда суғурта полисида Суғурта қилдирувчи ва Наф оловчи сифатида қўрсатилган шахслар ҳисобланади.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРДАГИ ИСТИСНОЛАР.

3.1. Суғурта ҳодисалари бўлиб, қуйидаги ҳодисалар:

- Суғурталанган шахснинг йиқилиши ёки унинг устига бирор-бир предметни тушиши;
- кутилмаган бўғилиш, нафас олиш йўлларига тасодифан ёт жисмларнинг тушиши, вирусларнинг тушиши бундан мустасно;
- заарли маҳсулотлар ёки моддалар оқибатида жиддий захарланиш (зарарли ўсимликлар, кимёвий моддалар, дори-дармонлар, сифатсиз озиқ-овқатлар);
- қўл-оёқлар ёки умуртқанинг кескин жисмоний зўриқиши туфайли мушак (мускул), пай, пайча ёки томирнинг қисман ёки бутунлай чўзилиши;
- қуийш, совук уриши, чўкиш, электр токи уриши;
- учинчи шахсларнинг тажовузи ва/ёки ҳайвонларнинг ҳамла қилиши;
- табиий оғатлар сабабли Суғурталанган шахснинг соғлиғига зарар этиши натижасида:
 - **Суғурталанган шахснинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги;**
 - **Суғурталанган шахсга 1 ёки 2 гурӯҳ ногиронлиги белгиланиши;**
 - **Суғурталанган шахснинг вафоти** юз бериши ҳисобланади.

3.2. Ушбу Офертага кўра, қуйидаги ҳолатлар суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди ва жавобгарлик олиб борилмайди:

- Суғурталанган шахснинг қасдан жиноят содир этиши натижасида тан жароҳат олиши ёки вафот этиши;
- Суғурталанган шахснинг суғурта ҳодисаси ҳисобланмаган ҳолат натижасидаги вақтингчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, ногиронлиги ёки вафот этиши;
 - ўзининг бирор аъзосини қасдан жароҳатлаши;
 - ўз-ўзини ўлдиришга сукасд қилиши;
- ВИЧ-инфекцияланиш, наркотик ва психотроп моддаларини истеъмоли туфайли касалланишлар ва ўлими;
- фуқаролик ва ҳарбий тўнтиришларда, халқ қўзғолонларида қатнашиши натижасидаги ҳодисалар;
- ҳомиладорлик, туғиш ва туғруқдан кейинги бола парвариши туфайли меҳнатга лаёқатсизлиги;
- бемор оила аъзоси, касал (ногирон) ва соғлом болани парваришлаш туфайли вақтингчалик меҳнатга лаёқатсизлиги;
- санатория-курортда даволаниш учун касаллик варақасини очтириш.

4-БЎЛИМ. СУҒУРТА ПУЛИ, ФРАНШИЗА СУҒУРТА МУКОФОТИ, УНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

- 4.1. Суғурта пули – бу суғурта шартномаси (суғурта полиси) бўйича Суғурталовчи ўз мажбуриятларини бажариш учун жавобгар бўлган пул миқдори.
- 4.2. Суғурта пули миқдори Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасидаги келишув билан белгиланади ва суғурта шартномасида (суғурта полисида) кўрсатилади.
- 4.3. Суғурта шартларига кўра франшиза қўлланилмайди.
- 4.4. Суғурталовчи суғурта полиси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдорини ҳисоблашда ўзи томонидан тасдиқланган, суғурта хавфининг хусусиятини, суғурта мажбуриятларининг ҳажмини ва муддатини ҳисобга олган суғурта таърифларини қўллайди.
- 4.5. Суғурта мукофоти миқдори реал вақт режимида Суғурталовчининг веб сайтида кўрсатилади ва Суғурта қилдирувчи томонидан тўлов тизими операторлари ёрдамида Суғурталовчининг ҳисоб-китоб ҳисобварагига пул маблағлирини ўтказиш йўли билан бир вақтнинг ўзида тўланади.
- 4.6. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофотини тўлаш факти бир вақтнинг ўзида унинг ушбу офертанинг барча шартларига розилигини тасдиқлайди.
- 4.7. Ўзаро ҳисоб-китобларнинг валютаси Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – “Сўм” дир.

5-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ ВА УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 5.1. Суғурта шартномаси 1 (бир) йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилиши мумкин. Суғурта шартномаси(суғурта полиси)нинг амал қилиш муддати “Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш”нинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги (ёки уни режелаштирилган алмаштириш давридан) керак.
- 5.2. Суғурта полиси Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўланган пайтдан эътиборан кучга киради ва полисда кўрсатилган суғурта муддати тугагунга қадар амал қиласди. Суғурта муддати суғурта мукофоти олинган кундан бошлаб кейинги куннинг соат 00:00 да бошланади ва суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг тугаш санасигача (хар икки санани ҳам ҳисобга олган ҳолда) давом этади.

6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ (СУҒУРТА ПОЛИСИ)НИ БЕКОР ҚИЛИШ

- 6.1. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) кўйидаги ҳолларда бекор қилинади.
 - а) суғурта муддати тугаганда;
 - б) суғурталовчи ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганда;
 - в) Суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси (суғурта полиси)дан воз кечса;

- г) сұғурта шартномаси (сұғурта полиси)ни Сұғурта қилдирувчи ва Сұғурталовчи ўртасидаги келишувга биноан бекор қилиш;
 - д) агар сұғурта шартномаси (сұғурта полиси) күчта киргандан кейин сұғурта ҳодисаси юзага келиши әхтимоли йўқолган бўлса ва сұғурта ҳодисасидан ташқари бошқа ҳолатлар туфайли сұғурта хавфининг мавжудлиги тўхтатилган бўлса;
 - е) Сұғурта қилдирувчининг вафоти;
 - ё) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида, сұғурта Коидаларида ва Офертада назарда тутилган бошқа ҳолларда.
- 6.2. Сұғурта шартномаси бекор қилинганда томонларнинг ўзаро ҳисоб китоблари қуидаги тартибда амалга оширилади.
- 6.1-бандида назарда тутилган асослар бўйича сұғурта шартномаси (сұғурта полиси) бекор қилинганда сұғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

7-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Сұғурталовчининг мажбуриятлари:

- а) сұғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, ушбу Офертада кўрсатилган муддатда сұғурта тўловини амалга ошириш;
- б) Сұғурта қилдирувчи ва унинг мулкий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, агар бу Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига зид бўлмаса, ошкор қиласлик;
- в) Сұғурталовчининг илтимосига биноан сұғурта масалалари бўйича маслаҳат бериш;

7.2. Сұғурталовчи қўидаги хуқуқларга эга:

- а) сұғурта шартномаси(сұғурта полиси)ни ҳақиқий эмас деб топишни ва амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган ҳақиқий эмаслик оқибатларини кўллашни талаб қилиш, агар Сұғурта қилдирувчи шартномани тузишда (полисни беришда) била туриб Сұғурталовчига нотўғри маълумотларни тақдим этган бўлса;
- б) агар Сұғурта қилдирувчи Коидалар ва ушбу таклифда белгиланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бўлса, сұғурта товонини тўлашдан бош тортиш;
- в) Коидаларда, сұғурта шартномаси (сұғурта полиси)да, ушбу Офертада ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

7.3. Сұғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

- а) ушбу Офerta шартларига, Коидаларига ва сұғурта шартномаси (сұғурта полиси)га риоя қилиш;
- б) сұғурта ҳодисаси юз бермаслиги учун унга боғлиқ бўлган барча чораларни кўриш;
- в) ушбу сұғурта шартнома (сұғурта полиси) тузилаётганда Сұғурталовчига таваккалчилик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун муҳим бўлган ишончли маълумотларни етказиш;

7.4. Сұғурта қилдирувчи қўидаги хуқуқларга эга.

- а) Сұғурта Коидалари ва ушбу Офerta билан танишиш;
- б) Сұғурталовчидан сұғурта шартномаси (сұғурта полиси) бўйича мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш;
- в) Ушбу Офerta, Сұғурта Коидалари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ сұғурта шартномаси(сұғурта полиси)ни муддатидан олдин бекор қилиш;
- г) Коидалар, сұғурта шартномаси (полиси), ушбу Офerta ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

8-БЎЛИМ. СҰҒУРТА ТОВОНИНИНГ МИҚДОРИ ВА ТЎЛОВИ

8.1. Сұғурта товони Сұғурталовчи томонидан Сұғурталанган шахс ёки унинг меросхўрига сұғурта мукофоти - сұғурта полисида белгиланган микдор ва шартларда тўланган тақдирда тўлаб берилади.

8.2. сұғурта ҳодисаси юз берганда, сұғурта товонини олиш учун Сұғурталовчига қўидаги хужжатлар тақдим этилиши керак:

- ўрнатилган шаклдаги ариза;
- сұғурта полиси асл нусхаси (полис ёзма шаклда расмийлаштирилганда);

- шахсни тасдиқловчи хужжат (паспорт) нусхаси;

- бахтсиз ҳодиса юз берган вақтдан эътиборан 3 (уч) иш куни ичидаги берилган, шунингдек сугурта ҳодисасининг санасини тасдиқловчи тиббий хужжатлар (касаллик варақасининг нусхаси, даволанишнинг давомийлиги ҳакида маълумотнома, ТМЭК хulosасининг нусхаси, ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси);

- зарурат бўлганда, Наф олувчининг шахсини тасдиқловчи хужжат ва мерос хуқукининг кучга кирганинг тасдиқловчи хужжат.

8.3. сугурта ҳодисаси натижасида сугурта товони ўрнатилган сугурта суммасига нисбатан куйидаги фоиз миқдорларида тўлаб берилади:

- Сугурталанган шахс вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолса, сугурта суммасининг **2,5 фоизи**;

- Сугурталанган шахсга ногиронлик белгиланса:

а) I гурух учун сугурта суммасидан – **75 фоиз**;

б) II гурух учун сугурта суммасидан – **50 фоиз**;

- Сугурталанган шахснинг ўлими юз берганда, сугурта суммасининг **100 фоизи**.

8.4. Сугурталанган шахсга сугурта товони уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, ногиронлиги ёки ўлими сугурта ҳодисаси юз берган кундан эътиборан бир йил давомида юз берса ва тўғридан-тўғри сугурта ҳодисасининг оқибати ҳисоблансанагина тўлаб берилади.

8.5. Сугурталанган шахс томонидан вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича сугурта товони олингандан сўнг унга ногиронлик белгиланган ёки ўлим юз берган тақдирда Сугурталанган шахсга ўлим ва ногиронлик бўйича белгиланган сугурта суммаси ва олинган сугурта товони ўртасидаги фарқ тўланади.

8.4.6. Сугурталанган шахснинг ўлимидан сўнг Наф олувчи унга тегишли сугурта товонини олишга улгурмай туриб, вафот этса, у ҳолда Сугурталанган шахснинг ўлими ҳолати бўйича сугурта товони ушбу Наф олувчининг меросхўрларига тўлаб берилади.

8.7. Барча сугурта ҳодисалари бўйича сугурта товонлари йифиндиси полисда белгиланган сугурта суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Сугурталанган шахсга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик ёки ногиронликнинг белгиланиши бўйича сугурта товони тўлангандан сўнг, Сугурта қилдирувчи сугурта суммасини тўлиқ ҳажмда тиклаши зарур.

8.8. Сугурта қилдирувчининг сугурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори Сугурта қилдирувчига сугурта товонини тўлаш тўғрисидаги ариза берган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай хабардор қилиниши ва рад этишининг асослантирилган сабабларини ўз ичига олиши керак.

9-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР.

9.1. Ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

9.2. Полис ва ушбу Офертада назарда тутилган ёки улар билан боғлиқ масалалар бўйича, шу жумладан уларни бажариш ва бузиш билан боғлиқ низолар, дъявлар ёки келишмовчилик юзага келган тақдирда, томонлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

9.3. Агар томонлар музокаралар орқали тинч йўл билан келишмаса, Сугурта шартномаси (сугурта полиси) тузилиши (расмийлаштилиши), ўзгариши, тутатилиши, бекор бўлиши, ҳақиқий эмаслиги, тузилмаганлиги(тўлиқ ёки қисман) билан юзага келган ёки келиб чиқадиган барча низолар, келишмовчиликлар, талаблар ва дъявлар Сугурталовчининг ихтиёри билан фуқаролик ишларининг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳал этилади. Даъво аризаси билан туманлараро судига ёки Ҳакамлик судига мурожаат қилишни танлаш хуқуки Сугурталовчида қолади.

9.4 Электрон хужжат айланиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Томонлар Сугурта оидалари ва ушбу Офера (ариза сўровнома, сугурта шартномаси, сугурта полиси, сёт-фактура, актлар, сертификатлар, хужжатлар ва бошқалар) доирасида

электрон шаклда тузилган барча хужжатларни келишиб оладилар ва юридик кучини тан оладилар ва уларни қофоздаги хужжатларга тенглаштирадиган, қўлда ёзилган имзо билан имзоланган ва тегишли Томоннинг муҳри билан тасдиқланганлигида ишонч билдирадилар, агар ушбу электрон хужжатлар операторлардан бири томонидан қайта ишланган ва агар улар Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра электрон ҳисоб ва рақ-фактуралар ва айланмаси тизим орқали (ушбу фаолият билан шуғулланиш учун рухсат олган электрон хужжатлар учун рухсат олган ахборот воситаси) юборилган бўлса.

9.5. “MY-INSURANCE” АЖ СТнинг интернет ахборот тармоғидаги расмий сайти: www.myinsurance.uz Суғурталовчининг расмий веб-сайтидан Суғурта қилдирувчи ушбу ахборот тизимининг оператори бўлган Суғурталовчи ўртасида электрон шаклда маълумотлар алмашинувини таъминлайдиган ахборот тизими сифатида фойдаланиш мумкин, шу жумладан суғурта полисни тузиш, хulosса қилиш, ўзгартириш, муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги ариза, суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисида хабар бериш, суғурта товони тўлаш тўғрисидаги ариза, кўриб чиқиш босқичи ва натижалари тўғрисида маълумот юбориш; суғурта товонини амалга ошириш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган ҳодисалар юз берган тақдирда, сиз Офертада кўрсатилган телефон орқали воқеа ҳақида хабар беришингиз ёки “MY-INSURANCE” АЖ СТнинг энг яқин офиси (филиали)га мурожаат қилишингиз керак бўлади.

Филиалларнинг манзиллари, телефонлари ва иш вақти Суғурталовчининг расмий веб-сайтида кўрсатилган.

Суғурталовчининг реквизитлари:

Тўлиқ номланиши:

“MY-INSURANCE” АЖ СТ

2022 йил 25 февралдаги СФ серия 00037-сонли

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг лицензияси

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент,

Миробод тумани, Кичик Миробод кўчаси, 95 уй

Тел: 71 205-19-19

Х/р:

Банк:

Банк коди:

СТИР:

ИФУТ:

Расмий веб-сайт: www.myinsurance.uz

Электрон почта манзили: info@.myinsurance.uz